SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 16-fevral • Payshanba • 20 (27.512) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

● Мустақиллик иншоотлари

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ СТАДИОН

2700 йиллик юбилейини нишонлаш арафасида турган Қарши шаҳрини бугун бекиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган катта қурилиш майдонига қиёслаш мумкин. Бу ерда бирйўла 20 минг томошабин сиғадиган марказий стадион қурилиши ҳам жадаллик билан давом эттирилаяпти. Бош пудратчи бўлиш «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Наврўз байрамигача лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини охирига етказишни режалаштирган. Айни пайтда 631 нафар бунёдкор икки сменада меҳнат қилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, бу стадион Марказий Осиёдаги энг замонавий стадион бўлади.

●●●

Суратларда: *штаб бошлиғи Шавкат Наимов бир гуруҳ мутахассислар билан ишнинг боришини таҳлил қилаётган пайт; пардозловчилар Бахтиёр Равшанов ҳамда Бахтиёр Иботовлар; марказий стадионнинг бир кўриниши.*



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

● Парламент фаолияти

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

14 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия парламенти делегацияси Қонунчилик палатасида бўлди. Делегация раҳбари, Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думасининг раиси Борис Гризлов палата депутатлари олдида сўзга чиқди. Меҳмон ўз нутқида ўзбек халқининг маданияти, интеллектуал салоҳияти, мамлакатларимиз ўртасида шаклланиб бораётган иттифоқчилик муносабатларига юқори баҳо берди. Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан берилган саволларга жавоб берди.

Сўзга чиққан Клара Жумамуротова, Равил Собиржонов, Анатолий Козлов ва бошқа депутатлар Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси парламентлари ўртасидаги ўзаро шерикчилик муносабатларини, иккала мамлакат қонун чиқарувчи органлари депутатлари ўртасидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

●●●

Учрашувдан сўнг депутатлар мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга ўтдилар. Биринчи ўқишда киритилаётган «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Абдулла Абдуназаров маъруза қилди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бу борада илк бор қонун ишлаб чиқилмоқда. Шу вақтгача фақат қонуности ҳужжатларигина амал қилиб келган. Ушбу қонун инсоннинг ҳаётий манфаатларини хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги авариялар ва уларнинг оқибатларидан ҳимоялашга хизмат қиладиган нормаларни мужассам этган. Муҳокамаларда иштирок этган депутатлар лойиҳада баъзи камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтдилар. Айрим моддалар ҳажми жиҳатдан жуда катта берилганлиги, лойиҳанинг рус ва ўзбек тилларидаги матнлари орасида тафовутлар борлиги таъкидланди. Билдирилган эътирозлар инобатга олиниб, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон парламентининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди. Ушбу юзасидан Омбудсман Сайёра Рашидованинг маърузаси тингланди.

Таъкидлаб ўтилдики, вакилга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилаётганлиги тўғрисида кўплаб шикоятлар тушмоқда. Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидан фуқаролар аризаси бошқа ҳудудларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Айрим фуқаролардан шикоятлар такрор-такрор келмоқда. Омбудсман томонидан шикоятлар асосида юборилган мурожаатларга баъзи маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари масъулият билан қарамаяпти. Муҳокамаларда қатнашган депутатлар, фракциялар вакиллари ўз фикрларини билдирдилар.

Депутатлар Омбудсманнинг 2005 йилдаги фаолиятини маъқуллаб тегишли қарор қабул қилдилар.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● ЎзХДП ҳаёти

МАНФААТЛАР ТУТАШАДИГАН НУҚТА

Касаначилик Бухорои шарифда қадимдан мавжуд бўлиб, аҳолининг катта қисми зардўзлик, кандакорлик, темирчилик, ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланган. Ҳозир ҳам ўз меҳнати, касби билан дунёни лол қолдирган касаначилар бисёр. Уларнинг аксарияти эса ЎзХДП аъзоларидир.

— Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»**ги Фармони, — дейди Бухоро шаҳридаги «Р.Ш.Раҳматова — Зардўз» масъулияти чекланган жамият қузатув кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси Раҳим Хўжаев, — касаначиларга бўлган ғамхўрлик ҳамда эътиборнинг яна бир бор ёрқин намунаси бўлди. Ушбу Фармоннинг яна бир жиҳати шуки, у партиямиз дастурида белгиланган мақсадлардан бири — меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлақонли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Фармоннинг изчил ижроси бу ҳар иккала томон манфаатлари туташадиган нуқта ҳамдир.

Дарҳақиқат, корхонада фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилоти ундаги йигирмага яқин ЎзХДП аъзоси Фармон ижросини тўла таъминлаш борасида бахамжиҳат ҳаракат қилишмоқда. 100 дан зиёд зардўз ишлаётган мазкур корхонада ишчи ўринлар яна қирқтага кўпайди. Бу рақам йил охиригача юзтага етади. Зардўзлик касби бўла туриб, ўз имкониятларидан фойдалана олмаётган хотин-қизлар ҳар бир туманда бор. Шуни ҳисобга олиб, корхона жойларда ўз филиалини очиш тараддудида. Эрта-индин Ғиждувон тумани марказида ана шундай филиал иш бошлайди.

— «Р.Ш.Раҳматова — Зардўз» МЧЖ раҳбариятининг бу хайрли ишидан ҳар икки томон ҳам яхшигина манфаат кўради, — дейди Ғиждувон туман партия кенгаши раиси Баҳодир Истамов. — Ҳеч кимга сир эмас, зардўзлик билан шуғулланган хотин-қизлар ўзлари тиккан кийимларини бозорда арзонга воситачиларга сотишарди. Энди корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначи ортиқча ташвишдан қутилади. Бунинг устига касаначиларга меҳнат дафтарчаси берилади. Ишлаган вақти пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинлашда меҳнат стажига қўшилади. Меҳнат таътили жорий этилади.

Масъулияти чекланган жамият қузатув кенгаши раиси Раҳим Хўжаевнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхона беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши кўпчиликни хурсанд қилиши табиий. Бу имтиёз туфайли мазкур корхона 3-3,5 миллион сўмни тежайди. Бу маблағ билан эса корхона ишлаб чиқаришини ривожлантириш мумкин.

Ҳа, бугун вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида касаначиликни ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилянти. Бунда, айниқса партия фаоллари жойларда тарғибот ишларини янада жонлантираётганлари ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

● Шоҳмот

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тошкентда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари — Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон шоҳмот федерациялари президентлари ва бош котибларининг Халқаро шоҳмот федерацияси (ФИДЕ) вице-президенти З.Азмайпарашвили (Грузия) ва мазкур ташкилот бош котиби И.Леонг (Сингапур) билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳам минтақада, ҳам дунё миқёсида шоҳмотни ривожлантириш ва оммалаштириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда ва умуман Марказий Осиё минтақасида шоҳмотни ривожлантиришга қаратаётган эътибори ва саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бердилар. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон вакили Р.Қосимжоновга 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлиш ҳамда Ўзбекистон терма жамоасига шоҳмот олимпиадасида кумуш медалларни қўлга киритиш имконини берди.

Ўзбекистон шоҳмот федерацияси ташаббусига кўра, Тошкентда 2006 йил август ойининг иккинчи ярмида дунёнинг етакчи шоҳмотчилари иштирокида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган халқаро опен-турнир ўтказишга қарор қилинди. ФИДЕ вакиллари бу мусобақаларни ташкил этишда ёрдам кўрсатишларини билдирди.

Шунингдек, учрашувда ФИДЕ президенти соврини учун «Гран-при» турнирини ўтказиш ва Марказий Осиё минтақаси шоҳмот уюшмасини ташкил этиш имкониятлари муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан якуний қарор ФИДЕнинг келгуси конгрессида қабул қилинади.

Учрашув қатнашчилари ФИДЕ президенти лавозимига бўладиган сайловларда ФИДЕнинг амалдаги президенти К.Илюмжинов (Россия) номзодини қўллаб-қувватлашини баён этди.

(ЎзА)

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Наманган (ЎзА мухбири И.Раззоқов). Наманган вилоятининг беш юздан ортиқ фуқароси яқинда бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида доимий иш билан таъминланди.

Ярмарка вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан ташкил этилди. Унда иштирок этган қарийб 150 та корхона, ташкилот ва фермер хўжалиги турли касб бўйича бир ярим мингдан зиёд бўш иш ўринларини таклиф этди.

— Меҳнат ярмаркаси иш билан банд бўлмаган кўпгина одамларни ўзига жалб қилди, — дейди меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Абдуллаев. — Ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик бундай тадбирларда ишсиз аҳолининг кенг иштирок этишини таъминлаш, кўплаб қонунбузарликларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал қилиш учун кенг имкониятларнинг яратилиши аҳолининг барча қатламлари, шу жумладан, касаначиларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

● Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

ҲАШАР — ЭЗГУ АНЪАНА

Фарғона вилоятида Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Қутлуғ тўй арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида минглаб фарғоналиклар иштирок этиб, вилоят маркази, шаҳар ва туманларда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширдилар. Вилоят бўйича шу куни 200 мингга яқин дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди, ариқлар тозаланди. Умумхалқ ҳашаридан тушган 166 миллион сўм маблағ Марғилон шаҳридаги юбилей объектларини қуриш, таъмирлаш ҳамда мазкур сана билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

«ЎзДЭУавто»: «ДАМАС»НИНГ ЯНГИ ТУРИ — «В-150»

Асакалик автомобилсозлар «Дамас»нинг янги «В-150» моделини ишлаб чиқаришга киришдилар. У ўтмишдошларига қараганда, қатор қулайликлари билан устун. Бошқариш приборлари ҳайдовчи учун анча қулай, олд панел қисми 265 мм. га узун ва фаралари хрустал товланишга эга.

— Аввалги «В-100» моделдаги «Дамас»лар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топган бўлишига қарамай, хавфсизлик борасида айрим конструктив камчиликлари бор эди, — дейди «ЎзДЭУавто» компанияси бош директори ўринбосари Маврутали Ражабов. — Янги моделга 20 та қўшимча детал ва қисмлар ўрнатилганлиги бу нуқсонларни бартараф этишга хизмат қилади. Бунинг учун пресслаш цехида 4 та пресс-форма янги иш жараёнларига мослаштирилди. Пайвандлаш цехида яна бир линия ишга туширилиб, мавжудларига ўзгартиришлар киритилди. Шунингдек, йиғув цехида ҳам янгиликлар бўлди. Монтаж ишларини мутахассисларимиз Жанубий кореялик ҳамкасблари иштирокида бажаришди. Бир гуруҳ муҳандис-мутахассисларимиз у ердаги Чангвон шаҳрида қисқа муддатли малака оширишда бўлиб қайтдилар...

Автомобилсозлар февраль ойида «В-150» моделида 150 та «Дамас» ишлаб чиқаришни режалаштирганлар.

Яна бир гап: ўтган йили «ЎзДЭУавто» ҳар хил турда замонавий автомобилларнинг 53 минг 92 тасини ташқи, 96 минг 127 тасини ички бозорларга сотди. Бу йил компания жамоаси 135000 автомобиль ишлаб чиқаришни режалаштириб, уларнинг 73 минг 119 тасини экспорт қилиш ва 61881 тасини ички бозорларда сотишни кўзлаган.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

●●●

Суратларда: *техника бўлими муҳандиси Дониёрбек Киличев; янги «В-150» моделидаги «Дамас» автомобили.*



O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

МУАММОЛАР ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

● ЎзХДП ҳаёти

Яқинда Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ҳамкорликда халқ таълимида ислоҳотлар самарасини ошириш, ўқитувчилар хизматига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, улар меҳнатини моддий рағбатлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда кейинги йиллар давомида тизимда амалга оширилган ишлар, ютуқ ва муаммолар атрофлича муҳокама этилганидан хабарингиз бор. Шунингдек, ушбу йиғилишда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлида томонлар ҳаракатларини бирлаштириш катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу муносабат билан куни кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашида ХДП депутатлик гуруҳи ҳамда шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилган ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Уни ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов олиб борди. Тадбирда сўз олган шаҳар халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандартлари бўлими бошлиғи Гулсаҳро Турсунметова «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури: иккинчи босқич якуни ва учинчи босқич вазифалари» тўғрисида гапирар экан, йиғилганлар эътиборини кейинги йилларда Тошкент шаҳридаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида мазкур дастур талабларидан келиб чиқиб бажарилган ишлар, унинг кўлами, соҳадаги ютуқ ва муаммоларга қаратди.

Светлана ГЕРАСИМОВА, 50-ўрта мактаб директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Президентимизнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тубдан ўзгартирди. Айниқса, мактабларда директор жамғармасининг ташкил этилиши ўқитувчиларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Олдинлари фидойи муаллимларни рағбатлантиришга қийналардик. Энди бу муаммо ҳам ҳал бўлди.

Гулчехра ОХУНОВА, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи — сифат масаласи эканлигини яхши биламиз. Мен таълим вакили сифатида эътиборингизни бир жиҳатга қаратмоқчиман: биз ўқувчилар билими даражасини яхшилаш чораларини кўришимиз керак. Чунки, таълим соҳасида қандай ислоҳотларни бошламайлик, у барибир кадрларга бориб тақалади. Бу ҳақда Президентимиз кўп бора таъкидлайдилар. Демак, бугун мактаб ёшларининг билими, маънавиятига алоҳида эътибор қаратиш ўқитувчи-мураббийларнинг асосий фаолияти бўлиши керак.

Шунингдек, сўзга чиққан шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Эргаш Магдиев Президент қарори бўйича бажарилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Давра суҳбати якунида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва шаҳар халқ таълими бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликни изчил давом эттириш, ўқитувчиларга тегишли муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиш лозимлиги хусусида келишиб олинди.

Маъмуржон МАҲМУД, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *давра суҳбати иштирокчилари.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

Шифокорларнинг масъулиятли меҳнати ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша давлатимизнинг диққат марказида. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» ва мақсадли дастурлар доирасида мамлакатимиз тиббиётида сезиларли ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди, дейиш мумкин.

Республика Президенти ва ҳукумат қарорларининг, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг жойлардаги ижроси устидан доимий мониторинг олиб бориш, уларда белгиланган асосий вазифаларнинг энг чекка ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларига ҳам кириб боришига эришиш, соҳага оид ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш галдаги муҳим вазифалар саналади.

Хоразм вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати бевосита ана шу масалаларга бағишланди.

Давра суҳбати кун тартибидаги мавзу юзасидан вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари И.Жумашев маъруза қилди.

Шунингдек, учрашув қатнашчилари республика Президентининг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қарори жойларда қандай амалга оширилаётганлигини таҳлил қилдилар ва юзага келаётган айрим тушунмовчиликларга ойдинлик киритдилар. Вилоят молия бошқармаси бошлиғи А.Рўзметов қатнашчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши раиси Р.Сабуровнинг «Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш — Ўзбекистон ХДП Дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Иштирокчилар мавзу юзасидан баҳс-мунозара юритдилар. Соҳа вакиллари ҳамда ХДП фаоллари тиббиётни ривожлантиришга доир қарорлар, жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури, ушбу дастур асосида қабул қилинган йўл-йўриқлар жойларда аниқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан мониторинг қилинишини ташкил этиш, мавжуд муаммоларни самарали ҳал этиш йўлида манфаатдор томонлар ҳаракатларини бирлаштириш ҳақида келишиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдилар.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилояти кенгаши матбуот маркази

ҚОНУН ВА АДОЛАТ — ТАДБИРКОРГА МАДАД

● Муносабат

«Хусусий бизнес кафолатларини мустаҳкамлаш, унинг ривожи учун қулай муҳит яратиш мақсадида давлат бошқаруви идоралари ва бозор институтларида маъмурий процедураларни бажариш билан боғлиқ, ҳали бери анча юқори бўлиб келаётган бизнес харажатларини камайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим».

Президентимизнинг 2005 йил якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузасидан.

2005 йил тўла маънода тадбиркорлар йили бўлди, десак адашмаймиз. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш бўйича Президентимизнинг Фармон ва қарорлари қабул қилинди, қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Президентнинг 2005 йил 14 июндаги Фармони билан тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Фармонга асосан 2005 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш ва тўхтатиб қўйиш, унинг банк ҳисоб варақларидаги операцияларини тўхтатиш, унга нисбатан молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни 15 кундан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш судлар ихтиёрига ўтди.

Президентимиз 2005 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашувни чеклаш масалаларини ҳал этишда маъмурий ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини яна бир бор таъкидладилар.

Ҳар тўкисда бир айб деганларидек ислоҳотларни амалга оширишда айрим соҳа ходимлари орасида тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилувчилар учраб турибди. Жумладан, хўжалик судларига 2005 йилнинг кейинги 6 ойи мобайнида 10 минг 916 та даъво аризаси тушган. Шундан 10 минг 513 таси солиқ органлари томонидан киритилган. Суд мажлисларида бу ишлар тарафлар иштирокида кўриб чиқилиб, 794 та ариза бўйича даъволар рад этилган. Шундан, банклардаги ҳисоб варақалари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ даъво аризалари 584 тани ташкил қилади. Бундан кўринадики, баъзи назорат органларидаги ҳуқуқшунос мутахассислар ўз вазифаларига масъулият билан қарашмаётгани, малакаларини оширишга уринмаётгани оқибатида даъво аризалар сони ортиб бормоқда. Бу эса юзлаб тадбиркорларнинг қимматли вақтлари бекорга совурилди, деганидир.

Кейинги олти ойда мазкур Фармон ижроси қай аҳволда эканлиги ўрганилганда, суд қарорисиз тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш, тўхтатиб қўйиш бўйича 98 та, тадбиркорлик субъектларига айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш бўйича 117 та ҳолат борлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларининг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Бунинг сабаблари биринчидан, айрим идора раҳбарларининг ислоҳотлар жараёнидан бехабарлиги бўлса, иккинчидан, қонунларни тушунмаслик ёки тушуниб, уларни писанд қилмаслик ҳам шундай оқибатларга олиб келмоқда.

Айрим назорат органлари ўзбошимчалик билан молиявий санкцияларни қўллашни (132 ҳолатда) ва банк ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишни (166 ҳолатда) давом эттираётгани ачинарли ҳол. Бундай қонунбузилишларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент вилоятларида аниқланди. Бунинг ҳам асосий сабаби манфаатпарастлик иллати десак, янглишмаймиз. Чунки кўп ҳолатларда тадбиркорга катта миқдорда жарима соламан ёки банкдаги операцияларини тўхтатиб қўяман, деб пўписа қилинганда, табиийки, у келишиш йўлини қидиришга мажбур бўлади.

178 та шаҳар ва туманларда тадбиркорлар ҳуқуқи ҳимоясига доир қонун, қонуности ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижроси ўрганилганда, ўтган йил давомида 191 минг 267 ҳолатда (рўйхатга олишда 2 минг 794, ер участкаси ажратишда 28 минг 262, лицензия беришда 2 минг 618, маъмурий жавобгарликка тортишда 14 минг 280 марта) қонун талаблари бузилгани аниқланди.

Нима учун бундай ҳолатлар содир бўлмоқда, деган ҳақли савол туғилади? Бунга асосий сабаб, аввало, мазкур соҳаларга масъул шахсларнинг эътиборсизлиги, эгаллаб турган мансабига совуққонлик билан қарашидир.

Афсуски, ўтган йилда ҳам республика бўйича 799 нафар тадбиркорнинг маблағи ноқонуний равишда турли тадбирларга жалб қилинганлиги аниқланган.

Банк соҳасидаги қонунбузарликлар тадбиркорларни молиявий инқирозга келтириши аниқ. Ўтган йил давомида банкларда кредитлашга оид қонунбузарликлардан 18600 та ҳолат аниқланган бўлиб, бу соҳадаги аксарият қонунбузилишлар Тошкент шаҳри (3037), Фарғона (4262), Бухоро (3685), Сирдарё (1973), Хоразм (1623) ва Жиззах (953) вилоятларида кузатилмоқда.

Масалан, Халқ банки Мирзачўл тумани филиали собиқ раҳбари Ж.Норчаев томонидан «Забин бобо», «Кожабек ота», «Мамаражеп ота» ва «Абдулазиз» фермер хўжаликларининг ҳисоб-рақамларидаги пул маблағлари уларнинг розилигисиз бошқа шахсларнинг омонатларига ўтказилиб, ўзлаштириб юборилган. Ўзганинг чўнтагидаги пулга эгалик қилувчиларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

2005 йил давомида адлия органлари томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторларнинг манфаатларини кўзлаб, шартномавий муносабатлардаги низолар юзасидан судларга жами 63,5 млрд. сўмлик ва 6,0 млн. АҚШ доллари миқдорида 20 195 та даъво аризаси киритилди. Шундан 44,9 млрд. сўмлик ва 8,1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 18 898 та даъво аризаси судлар томонидан қаноатлантирилди. 7 млрд. сўмлик ва 233,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги 929 та даъво аризаси бўйича айбдор мансабдор шахслар судгача ўз қилмишларига икрор бўлиб, ноқонуний қарорларини бекор қилди, тадбиркорларга етказилган зарарлар ихтиёрий равишда қопланди.

Лицензия муддатларининг чекловсиз берилиши қонунда белгиланган бўлса-да, лекин тадбиркорларни қисқа муддатларни кўрсатишга мажбур этиш, улардан ортиқча маълумот ва турли ахборотлар талаб қилиш, мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқмаслик каби ғайриқонуний ҳоллар кўпроқ учраётганлигини афсус билан таъкидламоқ жоиз.

Шу ўринда қонунларни қўллашда адлия идораларидан ҳам назоратни кучайтириш талаб этилишини айтиб ўтиш керак. Буни куни кеча Президентимиз ҳам таъкидлаб ўтди. Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида ҳам бу фикр ўртага ташланиб, айрим вилоят адлия бошқармаларининг фаолиятига танқидий баҳо берилди ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган, бажарилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг ижроси борасида ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозим. Ҳар томонлама таҳлил, батафсил экспертиза, ижрони назорат қилиш пухта ўйланган ёндашувни, чуқур мулоҳазани ва олдиндан кўра билишни талаб этади.

Маъмурий ислоҳотлар, аввало, хўжалик субъектларининг ишига ноқонуний аралашуви ҳамда улар фаолиятини турли хилдаги чеклашга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик билан узвий боғлиқдир. Буни айниқса, назорат қилувчи идораларнинг масъул мансабдор шахслари, уларнинг раҳбарлари аниқ тушуниб олиши ва ҳаётга татбиқ этиши лозим.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ, Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи

«БИЛАЙН» — ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

Россиянинг етакчи «ВимпелКом» компанияси гуруҳи («Билайн» савдо белгиси) мамлакатимизда уяли алоқа хизмати кўрсатаётган икки оператор — «Бузтел» («Бакри Узбекистан Телеком») ва «Юнител»ни сотиб олиш бўйича олди-сотти битимларини якунлади. Хариднинг умумий қиймати (ҳар иккала компаниянинг қарзини тўлаш мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда) 275,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилади.

Ўзбекистоннинг уяли алоқа бозорига қадам ташлаган «ВимпелКом» республикада GSM тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш, компаниянинг бизнес-жараёнларини жорий этиш ҳамда абонентлар учун жозибадор хизматлар мажмуаси билан бирга «Билайн» савдо белгисини йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Дарвоқе, Россиянинг «Билайн» савдо белгиси 5 млрд. АҚШ долларида баҳоланаяпти.

«ВимпелКом» ҳақида икки оғиз. Россиянинг етакчи ушбу уяли алоқа компанияси Ҳамдўстлик мамлакатларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда 45 млн.дан ортиқ абонентга хизмат кўрсатаяпти. Россия бозорининг ўзидаги улуши 34,3 фоизни ташкил қилади. У Нью-Йорк фонд биржасининг листингига киритилган Россиянинг биринчи компаниясидир.

— Ўзбекистонда сифатли уяли алоқа тармоғини қуриш, абонентларга оддий, қулай ва манфаатли тарифларни, янги технологияларни жорий этиш, мустаҳкам ва ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш бизнинг асосий вазифамиз, — деди компаниянинг МДҲ мамлакатларида бизнесни ривожлантириш бўйича ижрочи вице-президенти, бош техник директори Сергей Авдеев.

Ҳозир мамлакатимизда уяли алоқа хизматидан 1,15 млн. киши фойдаланмоқда. Бу аҳоли сонининг 4,4 фоизини ташкил этади. «ВимпелКом»нинг Ўзбекистон бозорига кириб келиши абонентлар сонининг ошишига кўмаклашиши шубҳасиз.

Алишер РЎЗИЕВ

«...ЯШАШНИ ЖУДА

ГИЁҲВАНДЛИК САБАБЛАРИ ВА «ОҚ ЎЛИМ» ЧАНГАЛИГА ТУШИБ

● Гиёҳвандлик даҳшати

Бугунги кунда ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (СПИД) ер юзида глобал офатга айланиб бўлди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига қараганда, ер юзидаги 40,3 миллиондан ортиқ одам касаллик вирусини ўзига юқтириб олган. Улардан 37,2 миллиони 25-40 ёшдаги кишилар, шундан 17,5 миллиони аёллар, 2,3 миллиони эса 15 ёшгача бўлган болалардир.

Ер юзи аҳолисининг ҳаётига жиддий хавф солаётган эпидемия қитъадан-қитъага ёйилиб боряпти. Халқаро миқёсдаги ижтимоий касаллик тусини оляпти.

Тўғри, бизнинг ҳудудимизда касаллик кўрсаткичлари бошқа қўшни давлатларга нисбатан сезиларли даражада паст. Қолаверса республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан касалликнинг олдини олиш чора-тадбирлари мунтазам кўриб борилмоқда. Бу борада республикамизда 1987 йилда ОИТС лабораторияси тузилган бўлса, 1989 йилда у янада такомиллаштирилди. Ҳозирги кунда барча вилоятларда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида тизимнинг 15 та ОИТС маркази ишлаб турибди. Шунингдек, мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида ҳам 90 та ОИТС лабораторияси фаолият кўрсатяпти.

Беихтиёр савол туғилади: бу касалик тарқалишининг асосий сабаблари нимада? Ундан қандай сақланиш мумкин?

Республика «ОИТС» (СПИД) маркази директори ўринбосари Бахтиёр МАДАМИНОВ бу ҳақда шундай фикр билдирди:

— Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми мураккаб касаллик, вируси ўта ўзгарувчан. Мутахассис сифатида шуни таъкидлашни истардимки, аҳолини ОИТСдан сақлаш, олдини олиш, даволаш фақат тиббиётнинг иши эмас, у аллақачон ижтимоий касаллик кўринишини олиб бўлган. ОИТСдан сақланиш учун аввало, ҳар биримиз касаллик ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишимиз керак. Унинг вируси соғлом одамга асосан уч хил йўл билан юқади: жинсий алоқа, парентерал, яъни тери бутунлигига ҳар хил муолажалар қўлланганда, инфлосланган, шу касал билан оғриган одам фойдаланган шприцлар ишлатилиши орқали. Айниқса, бангилар гиёҳванд моддаларни қон томирларига юборишда битта шприцдан фойдаланганда вирус юқтиради.

Касаллик вируси ҳаво орқали, қучоқлашиб кўришганда, бир юқпада ётганда, бирга чўмилганда, кийим алмашганда, бир идишдан овқатланганда, бир ҳожатхонадан фойдаланганда соғ одамга юқмайди. Агар вирус организмга шу 3 хил йўл билан ўтган бўлса, у 4-6 ҳафта, 3 ой мобайнида «кўпаяди». Одамнинг ҳарорати кўтарилади, бўғинларида оғриқ пайдо бўлади. Бу ҳолатда тиббий муолажадан кейин бироз аҳвол яхшиланиши мумкин, 15-25 кундан кейин эса бемор анча соғайиб қолади.

Беморда касалликнинг дастлабки белгилари қанча вақтда юзага чиқиши унинг турмуш тарзига боғлиқ, яъни ижтимоий аҳволи, тартибли овқатланиши, руҳий ҳолати, бир сўз билан айтганда, соғлом турмуш тарзига эга инсонда касаллик аломатлари 10 йилдан кейин ҳам сезилиши мумкин. Агар у гиёҳванд, фоҳиша, носоғлом муҳитда яшаса, тезда юзага чиқади. Бу дардга асосан гиёҳвандлар ҳамда фоҳишалар йўлиқишади ва улар касаллик вирусини ташиб юрувчи факторга айланди. Айниқса, вируснинг қон орқали юқиш кўрсаткичи юқори.

Дилором ШЕРМАТОВА, Тошкент шаҳар Наркология диспансерининг мажбурий даволаш стационари бош шифокори:

— Бу беморлар ҳар хил тақдир, қисмат қурбонларидир. Уларнинг тақдирини синчиклаб ўрганганда, носоғлом турмуш тарзи, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига лоқайдлиги, меҳнат жамоаларидаги носоғлом маънавий муҳит, бойлик, мўмай даромад, маҳалладаги эътиборсизлик оқибатида ёшлар шу аҳволга тушиб қолганига гувоҳ бўламиз.

2003 йилда Тошкент шаҳар наркология диспансерининг 60 ўринга эга бўлган мажбурий даволаш стационари аввалги 13-шаҳар касалхонаси ҳудудида очилган эди. Беморларимизнинг 80 фоизини 17-40 ёшдагилар ташкил қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, кейинги пайтда гиёҳвандлар сони сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Беморлар стационарга мажбурий ҳолда жалб қилинади. 2 ой 30 ўринли шинам бинода, икки кишилик палаталар, малакали ҳамширалар, муолажа хонаси, ошхона беморларга хизмат кўрсатади, барча муолажалар бепул.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да стационаримизда кутубхона ташкил этишни режалаштиряпмиз. Бунинг учун биз ҳомийларнинг кўмагига муҳтожмиз. Яна бир муаммо, стационарда беморлар 2 ойдан, бир ярим йилгача даволанишади, улар бу вақт мобайнида ўз иш ўринларини йўқотишяпти, муолажадан кейин ишсиз бўлиб қолишяпти. Шунинг учун уларни бизнинг назоратимиз остида меҳнатга жалб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Стационарда даволанувчилар учун терапия спорт майдони керак. Жисмонан фаоллик уларнинг умрини узайтиради, саломатликларини тиклашга хизмат қилади. Бу муаммони ҳал этиш учун ҳам ҳомийлар мададига таянамиз.

Бу беморларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ёрдам кўрсатиш савобдир. Улар, айниқса, яшаш жойларида маҳалла аҳлининг меҳр-шафқатига муҳтождирлар. Улар ҳаётда адашган кимсалар ҳисобланади. Зотан, уларнинг тақдири, афсус, надоматлари одамларга, айниқса, ёшларга аччиқ сабоқ бўлиши керак.

Бу ерда даволанаётган беморлар қандай қилиб шу кўйга тушиб қолганликларини гапиришаркан, улар оддий ҳаётий ҳақиқатни — бой берилган умрни, вақтни ортга қайтаролмасликларидан надомат чекишади.

Абдулла РАҲМАТОВ *(унинг илтимосига кўра исми-шарфини ўзгартирдик):*

— 25 ёшдаман, юнусободликман, тақдирга тан беришдан бошқа иложим йўқ, гиёҳванд бўлиб қолдим, ўзимга ВИЧ инфекциясини юқтирдим (у дераза оша шаррос ёмғир қуяётган осмонга тикилиб қолади).

...Болаликда машинам бўлишини, ҳайдовчиликни орзу қилганман. Юнусобод туманидаги мактабдан бирида ўқирдим, дарсларни яхши ўзлаштирардим, дўстларим бойвачча болалар эди.

БОЗОР ВА НАРХ-НАВО

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг жамоатчилик гуруҳлари иштирокида мамлакатимиз вилоятлари (ва айрим йирик шаҳарлари ҳамда туманлари) марказларидаги деҳқон бозорларида ўтказган навбатдаги нарх-наво таҳлили:

(2006 йилнинг февраль ҳолатига)

Т/р	Минтақалар номи	Гўшт		Гўшт													
		Мол гўшти	+ -	Қўй гўшти	+ -	Тухум	+ -	Картошка	+ -	Пиёз	+ -	Сабзи	+ -	Гуруч	+ -	Шакар	+ -
1	Андижон шаҳар деҳқон бозори	2950-3000	200	3300-3600	200	110-120	-	500-550	100	200-250	50	100-150	30	800-900	100	1000-1100	300
2	Бухоро шаҳар деҳқон бозори	2650-2700	-	2600-2800	-	115-120	-	450-475	100	180-200	50	120-140	20	700-780	50	850-900	125
3	Жиззах шаҳар деҳқон бозори	2750-2800	-	3100-3200	100	120-140	-	650-550	100	350-250	100	180-200	50	800-900	100	1100-1200	400
4	Навоий шаҳар деҳқон бозори	2400-2750	-	2400-2900	-	100-130	-	500-550	100	250-300	150	150-250	100	800-900	50	1000-1100	300
5	Наманган шаҳар деҳқон бозори	2750-2800	-	3400-3500	200	110-140	-	450-550	100	200-250	50	110-130	30	800-900	100	900-1000	150
6	Самарқанд шаҳар деҳқон бозори	2800-3000	100	3000-3600	200	110-120	-	425-475	100	125-175	50	150-175	40	900-1000	100	1000-1100	150
7	Сирдарё вил.Гулистон шаҳар деҳқон бозори	2700-2800	-	3400-3500	200	90-120	-	350-500	100	200-250	50	80-90	10	750-950	50	950-1050	150
8	Сурхондарё вил. Термиз шаҳар деҳқон бозори	2650-2750	-	3300-3400	100	130-140	-	500-550	100	250-300	50	110-130	20	750-950	50	900-950	100
9	Тошкент ш. Юнусобод туман деҳқон бозори	3100-3200	200	3400-3500	200	100-110	-	550-600	100	300-400	100	225-275	25	950-1150	50	1000-1150	100
10	Тошкент вил. Ангрен шаҳар деҳқон бозори	2950-3000	200	3100-3200	200	115-125	-	500-550	100	200-250	50	150-175	50	900-1000	100	1000-1100	100
11	Фарғона шаҳар деҳқон бозори	3000-3100	200	3500-3700	200	120-130	-	600-650	150	250-300	50	90-100	10	975-1050	100	975-1100	200
12	Хоразм вил. Урганч шаҳар деҳқон бозори	2600-2700	-	2800-2900	-	110-120	-	450-550	100	250-300	50	150-200	50	750-800	100	1000-1150	200
13	Қашқадарё вил. Қарши шаҳар деҳқон бозори	2600-2700	-	2900-3200	-	110-120	-	450-550	100	250-275	50	200-225	50	700-900	50	1000-1000	250
14	Қорақалпоғистон Рес. Нукус шаҳар деҳқон бозори	2400-2700	-	2600-2900	-	110-120	-	500-550	50	200-250	20	150-200	20	500-700	-	300-950	50

Изоҳ:

● Олдинги ойга нисбатан аксарият ҳудудларда гўштнинг нархи 100 сўмдан 200 сўмгача ошган. Картошка ва пиёзнинг нархи ҳам нисбатан ошган.

● Маълумотлар шуни кўрсатадики, Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай, Мўйноқ туманлари, Қашқадарё вилоятининг Муборак, Нишон, Касби туманлари, Бухоро вилоятининг Вобкент, Ғиждувон, Жондор туманлари, Хоразм вилоятининг Урганч, Гурлан, Боғот туманлари, Навоий вилоятининг Нурота, Томди туманларида гўштнинг нархи нисбатан паст бўлиб, 2500-2700 сўмни ташкил этмоқда. Бироқ Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида гўштнинг нархи ошиб бориши кузатилаяпти.

● Мазкур маълумот, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон ХДП МК Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари сектори

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Бойсун тумани, «Сайроб» ширкат хўжалигидаги 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пунктини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.

Иншоотнинг бошланғич нархи — 102281,19 минг сўм.
Қурилиш муддати — 150 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: **Термиз шаҳар, А.Бақуменко кўчаси, 5-уй. Тел.: 2-49-71**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Даваархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Термиз шаҳар, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

● Инсон хотираси — азиз

БОЛАЛИГИ АРМОН БЎЛГАН ҚЎШИҚЧИ

1936 йил 14 февраль. Шу куни Урганч шаҳрида қизалоқ дунёга келди. У XX асрнинг 70-йилларида жаҳон эстрада юлдузига айланган, ўз қўшиқлари билан Европа, Осиё, Америка ва Австралияга танилган юртдошимиз Анна Герман эди. Аннанинг «Умид», «Севги садоси», «Боғлар гуллаганда» каби қўшиқлари янграганда гўё олам тин оларди.

Афсуски, Аннанинг қисқа умри фақат шодлик ва машҳурлик сурури билан кечмади. Отаси Евгений Германни қатағон гирдобига тортганда у ҳали икки ёшга ҳам тўлмаганди. Онаси Ирма Сименс оиласига бўлаётган тазйиқларни камайтириш мақсадидами, польшалик Ядвит Германга турмушга чиқди. Ядвит ҳам кўп ўтмай иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлди. Буни билмаган Ирма оиласи билан урушдан кейин Польшага йўл олди.

Аннанинг мусиқага қизиқиши эрта намоён бўлди. 6 ёшида онаси ўзи ишлаётган мактабга бастакор билан учрашувга олиб борди. Шундан кейин Анна пианино олиб беришини сўрай бошлади. Ирма Аннани мактабдаги мусиқа тўгарагига ёздириб қўйди.

У мактабни тугатгач, онаси хоҳишига кўра ўзлари яшайдиган Вроцлав шаҳридаги политехника институтининг геология факультетига ўқишга кирди. Институтнинг 4-босқичига ўтгач, олдин ҳаваскорлар, кейин профессионал ансамбларда қўшиқ куйлади.

Анна Германнинг ўзига хос овози ва истеъдоди 1964 йилда Ополда ўтган қўшиқ фестивалида юқори баҳоланди. У полякча «Раққоса эвридикалар» қўшиғи учун биринчи ўринга муносиб кўрилди. Сопот, Вена, Сорренто каби шаҳарларда ўтказилган фестивалларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритди.

Анна Европа шаҳарларида кетма-кет уюштирилаётган гастрол концертларида иштирок этар экан, шу билан бирга «Денгиздаги саргузаштлар» ва «Урушдан кейинги манзара» фильмларида ҳам суратга тушди.

1967 йил Форли шаҳарчасидаги концертдан кейин Миланга қайтаётганда автоҳалокат юз берди. Анна икки ҳафта ҳушсиз ётди. Польшадаги касалхоналарда муолажа давом эттирилди, кейин уйда. Хуллас, Анна бир ярим йилдан кўпроқ даволанди. Ўнг қўли қимирлай бошлаши билан журналист дўсти маслаҳатига кўра ўзи ҳақида «Соррентога қайт» китобини ёзишга киришди. Бу китоб 1970 йилда кўп нусхада чоп этилди. Ушбу муваффақият эндигина ҳаракатланаётган Аннага қўшимча куч бағишлади. У «Одамлар тақдири» туркум қўшиқларини ниҳоясига етказиб, қўлтиқтаёқда бориб грампластинкага ёздирди.

1972 йил баҳоридагина Анна саҳнага қайтди. Унинг эстрада осмонидаги парвози қайта бошланди, гастроллар гастролларга уланди. 1973 йилда ўн йилдан кўпроқ вақт давомида қувончли ва оғир дамларида ёнида бўлган Збигнев Тухолскийга турмушга чиқди. Врачлар тақиқлашига қарамай 39 ёшида фарзанд кўрди. Автоҳалокат ва кеч туғуруқ асоратини кўрсатди. 1980 йил охирида дард Аннани йиқитди. Энди операциялар операцияларга уланди. У 1982 йил 26 августда ухлаб ётганида оламдан ўтди.

Оғир дамларда одам беозор болалигини эсга олади. Анна автоҳалокатга учраганида, тушларига болалиги ўтган Урганч кўчалари кирарди. Ўшанда урганчлик қўшиқ мухлисидан келган мактубга шундай жавоб ёзганди: «Болаликда эшитган қўшиқларим ҳамон юрагимда сақланади».

1972 йил Зелёна-Гура шаҳридаги фестивалда чеккада бир болакай болалигида эшитган қўшиғини хиргойи қилаётганини кўрди ва ёнига келиб тинглади. Унга ажабланиб қараган болакайга: «Болалигимни эсимга солдинг», деди маъюсгина. АҚШда гастол пайтида катта пул эвазига узоқ муддатли шартнома таклиф қилишганда: «Эртага Ватанимда бўлиш учун бор пулимдан воз кечишга тайёрман», дея жавоб қайтарди. Ҳолбуки, гастрол тугаётганди.

Демак, Анна Герман Ватан деганда Ўзбекистонни, Урганчни ҳам назарда тутган. У 1979 йилдаги гастролга алоҳида тайёргарлик кўрди. Чунки бу гастрол Қирғизистон ва Қозоғистонда бўларди. Албатта, Анна гастрол олдидан Урганчга келишни ният қилганди. Бироқ унинг бу нияти амалга ошган-ошмагани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Китобларда Анна Германнинг Тошкент ва Самарқандда тушган суратлари чоп этилган. Эҳтимол, у ўзи туғилиб ўсган Урганчни ҳам зиёрат қилгандир...

Умуман, Анна қанчалар машҳур бўлмасин ортиқча дабдабани ёқтирмасди. 1977 йил Москвага келганда ўзи ёлғиз машина ёллаб Минскка ўғай отаси Ядвит Герман қабрини зиёрат қилиш учун бориб келганди. Ҳолбуки, 4-5 ёшли Анна бир неча ойгина ўгай отаси билан бирга яшаган эди. Шу боис Аннанинг беғубор болалиги ўтган Урганчга бормаганлигига ишониш қийин. Балки машҳур қўшиқчи ортиқча дабдабасиз Урганчга ҳам келиб кетгандир. Аммо бугун бир нарса аниқ, Урганч кўчаларидан бири Анна Герман номи билан аталади...

Асрор МЎМИН

✓ ИРОҚ

Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган суд жараёни давом этмоқда. Ироқнинг собиқ президенти ва яна етти нафар айбланувчи очлик эълон қилишганини билдиришди.

— Биз уч кундан буён оч ўтирибмиз, — деди Саддам суд залида.

Уч соат давом этган суд жараёнида Ироқнинг собиқ уч нафар юқори мартабали вакили кўрсатмалари тингланди.

Душанба куни Саддам Ҳусайннинг энг яқин одамларидан бўлган собиқ президент маъмурияти раҳбари Аҳмад Ҳудайир ва разведка бошлиғи Ҳасан Убайди уларни судга келишга мажбур қилишганлигини айтиб, кўрсатма беришдан бош тортди.

Айбловчилар ҳужжат ва далиллар асосида Дужаилдаги қирғинни Саддам ва ҳукумат тепасидаги Баас партиясининг юқори мартабали аъзолари билан боғлашга уринди.

Айбланувчилар аввалги адвокатлари қайтарилмагунча суд залига келмаслигини айтишди. Улар, шунингдек, судья Рауф Абдул Раҳмонни алмаштириш талабини қўйишган.

✓ БУЮК БРИТАНИЯ

Англия парламенти аъзоларининг кўпчилиги мамлакатдаги барча пивохона ва шахсий клубларда чекишни тақиқлаш учун овоз берди.

Чекишни тақиқловчи қонун Шотландия, Шимолий Ирландияда қабул қилинган бўлиб, яқинда кучга кириши кутилмоқда. Уэльсда бундай тақиқ учун икки маротаба овоз берилган.

Буюк Британиянинг соғлиқни сақлаш вазири Патриша Хьюитт 2007 йилда кучга кириши керак бўлган бу қонун «минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолади», деган фикрда.

Соғлиқни сақлаш вазирини бош вазир Тони Блэр ҳамда молия вазири ва ички ишлар вазири қўллаб-қувватлашди. Бироқ қаршилар ҳам топилди. Улар орасида бош вазир ўринбосари, маданият вазири, мудофаа вазири ва таълим вазири бор.

Бу масалада ҳукуматнинг позицияси аниқ бўлса-да, ҳали турли тоифадаги одамлар орасида бахсларга сабаб бўлмоқда. Англиянинг саратонни ўрганиш миллий маркази вакили Элспет Ли «бу қарор келажак авлодни ва миллатни янада соғломлаштиради», деб ҳисобаласа, «Forest» ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилоти директори Саймон Кларк «сиёсатчилар одамларни чекишни ташлашга мажбур қилиб, қонунан рухсат этилган маҳсулот истеъмолини қийинлаштиришга ҳақлари йўқ», дейди.

Парламент аъзоларининг аксарияти чекишни тўлалигича тақиқлашга қарши чиқишган. Уларнинг фикрича, бу фуқаро эркинликларини чегаралаши мумкин. Бироқ парламентнинг соғлиқни сақлаш қўмитаси томонидан яқинда эълон қилинган ҳисоботида чекишни тўлалигича тақиқлаш соғлом аҳолини чекишнинг зарарли таъсиридан сақлаб қолишининг «ягона самарали йўли» эканлиги айтилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари белгиланмаган жойда сигарет чекканлик учун жарима ўн маротаба, яъни 200 фунтдан 2500 фунтгача оширилишини маълум қилишган.

Ҳукумат ҳисоб-китобига кўра, янги қонун кучга кириши билан 600 мингга яқин одам чекишни ташлайди.

✓ ГЕРМАНИЯ ВА АВСТРИЯ



«Парранда гриппи» Германия ва Австрияга ҳам етиб борди. Германиянинг Болтиқбўйи қирғоғи ёнида нобуд бўлган оққушларда H5N1 вируси аниқланган.

Бу хабар тарқалишидан бироз олдин Австрия ҳам ўз ҳудудида нобуд бўлган оққушларда «парранда гриппи» борлигини маълум қилганди.

Касаллик бир неча кун ичида Италия, Греция, Болгария ва Нигерияда ҳам қайд этилди.

ТАЙСОН ҲАМ ИШТИРОК ЭТМОҚЧИ

Афсонавий боксчи, собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон оғир вазнли чарм қўлқоп усталарининг «Superfighter» турнирида иштирок этмоқчи эканини маълум қилди. Турнир шу йилнинг 4 июнь куни Австралиянинг Мельбурн шаҳрида ўтказилади. Тайсоннинг сўнгги мураббийи Жефф Фенек маҳаллий радиостанция орқали чиқиш қилиб, ана шулар ҳақида ахборот берган. «Мусобақа ташкилотчилари илгари ҳам ана шундай турнирда иштирок этишни таклиф қилишган эди, — дейди Фенек. — Мен Леннокс Льюис ҳамда Эвандер Холифилдлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳам бу мусобақага катта қизиқиш билан қарашаётганини билдим. Демак, Австралияда ўтказиладиган жанг ўзига хос катта байрамга айланиши табиий». Мусобақада саккиз нафар боксчининг ўзаро олимпия тизими бўйича куч синашиши ва ғолиб аниқланиши кўзда тутилган. Ҳар бир жанг тўрт раунддан иборат бўлади. Шунингдек, Фенекнинг фикрига қараганда, Тайсон учун бундан ортиқ катта жангларга ҳозирлик кўриш маъқул эмас экан. Айниқса, Тайсонга тўрт раундли жанг ёқиб тушмоқда.

МАРАДОНА ТЕЗЛИКНИ ОШИРИБ ЮБОРГАНМИДИ?

Буэнос-Айрес шаҳар суди таниқли футболчи Диего Марадонани йўл ҳаракати қоидасини бузганликда айбламоқда.

Маълум бўлишича, Марадона ўзининг «Жип» машинасида Матадерос кўчалари бўйлаб бораётиб, тезликни ошириб юборган ва телефон уйчасига бориб урилган. Футболчининг ўзи айтарли зарар кўрмаган. Лекин шу атрофдан ўтиб бораётган икки йўловчи ойна синиқларидан жабрланган ва улар бўлган воқеани полициячиларга маълум қилган.

ХОҲЛАЙМАН»

ҚОЛГАНЛАРНИНГ АЧЧИҚ ҚИСМАТЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳаммаси 7-8-синфларда бошланди. Дарсларга кирмасам ҳам ўқитувчиларнинг ончалик иши йўқ эди. Биз уч-тўрт бола шўх эдик, билганимизни қилардик, ота-онам пул беришарди, эркалашарди, маҳалла, мактаб, ҳамма бизга «сен менга тегма, мен сенга» қабилида қарашган. Бир куни таниш бола «ҳидлаб кўр» деб қўлимга тутқазди, ҳидлагач мазам қочди, ўтиб кетди... 3-4 нафар бола «крутой»лик ҳавасида шу ишни қилардик.

1998 йилдан гиёҳвандликка ўрганиб қолдим. Машина бозорида дўконда ишлардим, пулим кўп. Бир кунда 60 минг сўмлаб томиргa «урадиган» бўп қолдим. Нашаванд дўстларим тез-тез мени йўқлашар, баъзан сийлашарди. Қўлимда гулдай ҳунарим бор эди, ҳар қандай машинани «сочиб» қайта «йиғардим», уста эдим.

Тонгда кўзимни очибоқ фақат бир нарсани — тезроқ томиримга дори юборишни ўйлардим, бошқа ҳеч нарса мени қизиқтирмасди. Саккиз марта даволандим, ташлашга, одамлар қатори яшашга ҳаракат қилардим, аммо унинг исканжасидан чиқолмасдим. Хумори тутганда ҳеч нарсани ўйламайди киши, «битта уриш», «бир доза» бўлса бўлди...

Бокс билан шуғулланардим, ҳаммасини ташладим, бу йўлда орқага йўл йўқ экан, жиноят кўчасига кириб қолдим. 1999 йилда икки йилга қамалдим. Гиёҳвандликни ташлаб кўрдим ҳам, аммо «эски дўст»ларим мени қидириб топишарди. Ўша банги оғайиларимнинг нечтаси оламдан ўтиб кетишди.

Битта шприцдан фойдаланиб, СПИДга чалиндим, ўзим ҳеч нарсани сезмайман, ҳеч ерим оғримайди, аммо шамоллаб қолсам, умуман ўрнимдан туролмай ер парчин бўлиб ётиб қоламан. 2004 йилда уйланмоқчи бўлдим, 15 августда тўй эди, тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтдим, ВИЧ чиқиб, тўй тўхтатилди. Бир ҳисоби кўрикнинг борлиги яхши, ўша қиз бебахт бўларди... Ҳозир ўз дардим билан ёлғизман... Умрим қисқалигини биламан, аммо... яшагим келади! Нега шу қўйга тушиб қолдим, деб ўзимга савол бераман. Болалигимни, мактабни кўп эслайман, балки ўша пайтда мени қаттиқроқ жазолаб, тарбиялаб, жиловлашганда бу йўлга кириб қолмасмидим?!

Ёшлар менга ўхшаб бу йўлга кириб қолишларини ҳеч ҳам истамайман. Ҳеч ким бу қўйга тушмасин! Қанийди, мўъжиза рўй берса, СПИД деган балодан қутулсам?! Қора дори сотганларни ер юзидан йўқотардим...

Санобар *(унинг илтимосига кўра шахсини сир тутдик):*

— Бу йил 24 ёшга кираман, бу дунёда менинг ҳам умидларим кўп эди, болаликдан шифокор бўлишни орзу қилардим. Грипп бўлиб қолдим, қаттиқ тушим оғриди, хусусий шифохонага бориб тишимни суғуртирдим, соғайиб кетдим. Кўп ўтмай бу бедаво дарднинг вирусини юқтирганимни билдим. Менинг ҳаётим қил устида, эрталаб кўзимни очиб хайрият тирикман, деб ўйлайман. Ўзимни дор устида ўйнаётган дорбоздай ҳис қиламан. Менинг айбим нима? Очиғи, энди бу ҳақда ўйламайман, муҳими, бугун тирикманку... На илож, чекимга шу тушган экан. Лекин... яшащдан умидим бор, болаларим бўлишини истайман, уларни тушларимда кўраман...

Данил ЮСУПОВ:

— Мен 30 ёшдаман, 1994 йилда машина олишга Тольятти шаҳрига бордим, бир хонадонга жойлашдим. 3 кун қаттиқ бошим оғриди, пулим борлигини сезгач, уй эгаси менга «укол қил, оғриқни сезмайсан» деди... Аввалига чўчидим, сўнгра бир синаб кўрай дедим... Кейин... 6 кунда бир машинанинг пулини тугатдим.

Тўрт марта ташладим, аммо «эски улфат»лар учрайди, яна бошланади, бедаво дардга йўликдим...

Борий, (илтимосига кўра исмишарифини, манзилини ошкор қилмадик) 43 ёшда.

— Умр йўлдошим қазо қилгач, руҳий тушкунликдан шу ахволга тушиб қолдим, дардимга мана шу касофатдан таскин излаб, шу дардга чалиндим. Ўғлим 18 ёшда, қизимнинг бўйи етиб қолянти, бир неча марта ҳаммасини ташлашга ҳаракат қилдим, маҳаллага аралашмайман. Эртага фарзандларимнинг тақдири нима бўлади?

Ҳеч ким шу қўйга тушмасин, дейман. Ҳар бир ота-онага болаларига бош бўлиб юриш насиб этсин. Мен эса афсус...

Беморларнинг қай бири билан гаплашманг, надоматларини эшитиб, оғир ўйга толасан киши. Улар ўйламай ташлаган қадамларининг азобини тортишяпти, ўз хатоларини кеч англаганларидан минг пушаймон бўлишяпти.

Мутахассисларнинг олиб борган илмий таҳлилларига қараганда, мамлакатимизда ОИТС касаллиги вирусини юқтириб олганларнинг 82 фоизи эркаклар, 18 фоизи аёллардир. Уларнинг 60 фоизи гиёҳвандлардир.

Гиёҳвандлик, СПИД фақат бемор учун дард эмас, балки жамият учун ҳам, келажак учун ҳам хавфли иллатдир.

Бутун дунёда бедаво дард деб аталаётган ОИТСнинг бизнинг назаримизда давоси бу — миллий ахлоқий тарбиядир. Халқимиз азалдан покдомон, оилани муқаддас даргоҳ санаб, ҳалол, диёнатли яшаб, умр кечириб келган. Шарқона миллий тарбия, ахлоқимиз бу дарду балога қарши иммунитет бўлиб тура олади, деб ўйлаймиз.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Бугун гиёҳвандлик одамзот бошига не-не кулфатларни солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Унинг касофатидан қанчалаб ёшлар умри хазон бўлмоқда, қанчалаб оилалар бузилмоқда, болалар тирик етим қолмоқда, майиб-мажруҳ бўлиб туғилмоқда. Сон-саноқсиз жиноятлар илдизи ҳам унга бориб тақалади.

Тўғри, аср вабосига қарши бутун дунёда, хусусан, республикамизда ҳам кўп чора-тадбирлар кўрилмоқда, беҳисоб йиғилишлар, ҳисоботлар бўлмоқда, амалий ишлар қилинмоқда. Лекин қилинаётган ишлар таъсири, самарасига баҳо бериш учун бир саволни ўзимизга беришимиз керакка ўхшайди: гиёҳвандлик мамлакатимизда камайиб бораяптими ёки кўпайиб? Бу саволга ижобий жавоб топиш мумкинми? Гиёҳвандлик йил сайин кўпайиб бораётганини ҳар бир туман ёки шаҳар миқёсида, ҳатто айрим қишлоқлар миқёсида ҳам кўриш мумкин. Айрим масъул идоралар жон-жаҳдлари билан рақамларни камайтириб кўрсатиши мумкин. Аммо, одамлар кўриб, билиб турибди нималар бўлаётганини. Турар-жойларда гиёҳвандлик моддаларни сотаётганларни милиция участка вакиллари билмайдими? Билади... Билмасликка эса ҳаққи йўқ.

Бир маҳаллада битта гиёҳванд пайдо бўлса, бутун маҳалла, мактаб, милиция таянч пунктлари оёққа туриши керак эмасми? Афсуски, кўп жойларда, ҳа, кўп жойларда бу иллатга кўникиб қолганга ўхшаймиз, анча лоқайд бўлиб қолгандекмиз. Агар ҳозир кескин чоралар кўрилмаса, жамоат ташкилотлари ҳамжиҳат бўлиб, ўз таъсирини кўрсатмаса, бу кетишда яна ўн йилдан сўнг бу офат доираси яна ўн баробар кенгайиши, вазият ўта хавфли ва ташвишли тус олиши мумкин, деб ўйлаймиз.

● Маънавият

ЭЗГУЛИК БУ — АМАЛ БИРЛИГИ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда миллий-маънавий қадриятларга таянган ҳолда жамият тараққиётини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Маълумки, маданий меросимизга асосланган бу тамойиллар ҳар бир кишининг ҳаётида, шунингдек, мамлакатимиз истиқболида, унинг тараққиётини кафолатлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дарвоқе, одамзот пайдо бўлибдики, барча ноёб туйғулар у билан бирга яшаб келмоқда. Бу муқаддас тушунчаларни эзгулик элчилари, яхшилик, яратувчилик, бағрикенглик ва ватанпарварлик устунлари дейиш мумкин.

Миллий-маънавий қадриятларимизда халқимизнинг ноёб истеъдоди, ижодий тафаккури, ўзига хос маданияти, турмуш тарзи, интеллектуал салоҳияти намоён бўлади. Тарих ғилдираги шиддат билан айланиб бораётган ҳозирги шароитда ўтмишимиз, бугунимиз ва эртамиз бевосита миллий қадриятларимизга бўлган муносабатимиз билан белгиланади. Шунингдек, бу тушунчалар мамлакат келажаги бўлган ёшларга, қолаверса, инсон омилига бевосита боғлиқ бўлган жараёнлар эканлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Ҳозирги пайтда инсон — жамиятдаги мавжуд ресурслардан энг муҳими, барча ўзгаришлар ва мустақил ривожланишнинг асосий ва ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Унинг истеъдод имкониятларини тўла намоён этиб, бундан оқилона фойдаланилгандагина жамиятда ўзгаришлар, янгиланишлар, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган интилишлар янада кучаяди.

Инсон ўзининг фаолиятида миллий-маънавий маданиятнинг ҳам яратувчиси, ҳам намоён этувчисидир. Киши ўз маънавий эҳтиёжларини тарбиялаш жараёнида шахс сифатида шакланади. Шу туфайли унинг дунёқарашида миллий қадриятлар билан боғлиқ ҳулқ-атвор, идеал-орзулар, билим ва эътиқод, энг муҳими ўзини англаш каби хусусиятлар ривожланиб боради.

Шахс ўзининг ҳаётдаги ўрнини белгилаш билан бир қаторда жамият, теварак-атроф, яъни жамоаси, оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини ички туйғу ва виждони орқали чуқур тушуниб етади. Пок қалб ҳақиқат йўлини танлайди. У ўз ҳақиқатини англаш билан миллий-маънавиятга бўлган эътиқодини намоён этади. Амалиёт эса ҳақиқатни аниқловчи, инсоннинг миллий маънавий қиёфасини кўрсатувчи ўзига хос мезондир.

Маълумки, Ўзбекистон Конституциясида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи, деб эътироф этилган. Демак, давлатнинг қандай бўлиши ўша халқнинг қобилияти ва салоҳиятига, қолаверса, ижтимоий-сиёсий фаолиятига, маданий мерос ва қадриятларга бўлган ҳурматига боғлиқ. Маънавияти етук кишиларгина ақл-идрок билан иш кўриб, ҳақиқий қадриятларни фарқлай билиши ҳамда ўз қудратини Ватан ва халқ манфаати ривожига йўналтириб, фуқаролик бурчини адо этишга қаратиши лозим.

Конституциямизда, шунингдек, **«Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар»** деб белгилаб қўйилганлиги чуқур сиёсий, ижтимоий аҳамиятга эга. Бу маънавий масъуллик — ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Ушбу муҳим масала шахс фаолиятига дахлдор эканлиги қонун йўли билан асосланган. Демак, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиш билан чегараланиб қолмай, бурчи, мажбурияти, ўзи ва ватани, миллий қадриятлари олдидаги масъулиятини унутмаслиги зарур. Уни таркиб топтириш учун халқнинг маънавий-руҳий қиёфаси, миллий қадриятларга ишонч ва эътиқоди юксак даражада бўлиши керак. Бунга эришмасдан туриб жамият тараққиётини таъминлаш мумкин эмас.

Агар биз маънавият ва тараққиёт тушунчаларини таҳлил этадиган бўлсак, жамият ҳаётида шахс ва унинг миллий қадриятларга масъулияти нақадар катта омил эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Узоққа бормайлик, Ўзбекистонда бугун рўй бераётган тарихий давр нуқтаи назаридан масалага ёндашилса, шахс масъулияти беқиёс эканлигининг гувоҳи бўламиз. Очиғини айтганда, бугунги давр тараққиётининг чинакам самараси — миллатимиз кўрки бўлган ақл-идрокли, заковатли, эътиқоди мустаҳкам инсонларнинг фаолиятига боғлиқ. Республикамизда табиий бойликлар, қулай иқлим шароити, инсон омили ва давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлар етарлича. Аммо, ғайратли, маърифатли, олижаноб, қатъиятли, мард ва фидойи инсонларга эҳтиёж ҳамиша кучли.

Давлатимиз раҳбари ўз чиқишларидан бирида шундай деган эдилар: **«Агар мендан бугунги ҳаётимизда аниқ сиёсатимизни ўтказишдаги энг оғир муаммо нима, деб сўрашса, аввало шу сиёсатни ҳаётга татбиқ этадиган ва шу сиёсат учун, керак бўлса, жонини фидо қиладиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш деб жавоб берардим. Энг муҳими, шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, вилоят, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборат».**

Президентнинг ушбу сўзлари замирида халқ бахт-саодати учун астойдил меҳнат қилишга шайланган, бутун фикру зикри, қобилиятини ўз фаолиятида намоён этувчи замонавий кадрлар ҳақида қайғурилётганлиги кўриниб турибди. Халқни аниқ мақсад сари, яъни озод ва обод Ватан, демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлида бирлаштириш ҳамда уларни шу мақсад ортидан эргаштира олиш улкан масъулиятни талаб этади. Бунинг учун раҳбар атрофдагиларнинг дунёқараши, имконияти, маслагини аниқ таҳлил қила оладиган ва зарур бўлса уларга ҳар қандай руҳий, иқтисодий, сиёсий қийинчиликларни енгишда йўл кўрсата оладиган қобилиятга эга бўлиши керак. Буни маънавий бурч ва вазифа, аниқроғи, шахс маънавиятининг юксак кўриниши, бошқаларга намуна бўлувчи аниқ тимсоли десак бўлади.

«Агар инсон ўзини халқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақида ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади» деб уқтиради Юртбошимиз. Кўриниб турибдики, маънавият инсон ҳаётидаги барча масалалар билан узвий боғлиқ. Зеро, инсон маънавияти қанчалик етук бўлса ва уни халқи, мамлакат ва миллат равнақи учун сарфласа, ўша давлат шунчалик қудратли бўлади. Ва бу ўша жамият одамлари билимли, маърифатли, баркамол эканлигидан дарак беради.

Лекин, ана шундай баркамолликка қандай қилиб эришилади? Ҳамма гап шунда. Маърифатсиз маънавият бўлмайди, маънавиятсиз ҳаётни эса тасаввур этиш мумкин эмас.

Бугун одамларда тушунча ҳар хил. Орамизда бозор иқтисодига ўтишни оммавий равишда тирикчилик, деб тушунадиганлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, бола-чақа боқиш, тирикчилик ҳамма вақт бирламчи саналган. Лекин инсон куч-ғайратга тўла пайтда бутун илмини, қобилиятини миллат ва жамият фойдасига сарфласа бу юксак маънавият белгиси ҳисобланади. Қолаверса, фақат пул, бойлик ҳақида жон куйдириш, кечаю-кундуз унинг кетидан қувиш оқибатлари инсонни нафснинг қулига айлантириб қўйишини донишмандларимиз кўп бор таъкидлашган.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз илмнинг нечоғли улуғлигини таърифлаб, уни бу дунёдаги ҳаётни тартибга солувчи асосий омил, деб таъкидлаганлар. Улар ўзларининг илму салоҳиятларини ўз фаолиятларида тўла намоён этиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар хазинасини ноёб дурдоналар билан бойитдилар. Ҳозирги миллий давлатчилигимиз равнақида улар қолдирган маданий, маърифий мерос мустақиллигимиз йўлини равшан ёритиб турибди.

Афсуски, фидойилик, қадриятларимизни асраб-авайлашга масъуллик фазилати ҳаммада ҳам бир хил эмас. Биргина маданият масаласини олайлик. Жойларда айрим раҳбарларнинг гапини эшитсангиз, икки гапнинг бирида маънавиятимиз, миллий қадриятларимиз тикланяпти дейди. Аслида илм-маърифат маскани бўлган кутубхоналар, музейлар, маданий ёдгорликлар, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини яхшилашга етарлича эътибор қаратмаётган туман, шаҳар раҳбарлари ҳам борки, уларнинг фаолиятига ўз вақтида танқидий баҳо бериш зарур. Миллий-маънавий қадриятларимизнинг ривожланишида, ёшларга миллий истиқлол ғоясини сингдиришда маданият муассасалари асосий тарбия масканларидан биридир. Миллий-маънавий қадриятларни ривожлантирмасдан туриб, маърифатсиз, илмсиз кишилар билан келажакни яратиб бўлмайди.

Бугун Мустақиллик туфайли қанчадан-қанча тарихий обидалар, маданий ёдгорликларимиз тикланди. Булар кимга ва нимага хизмат қилишини ҳар биримиз яхши англаб олишимиз керак. Бунинг учун эса, биринчи галда собиқ иттифоқ даврида қолган иллат — итоаткорликдан тезроқ қутулиш зарур. Ахир мана мустақилликнинг ўн беш баҳорини қаршилаяпмиз. Миллий давлатчилигимиз асоси, пойдевори бўлган мозий ҳақиқатлари, тарихий хотирамиз тикланди. Эндиги вазифа — оддий фуқародан тортиб раҳбаргача барча-барчамиз маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашни ўз шахсий фаолиятимизда, амалий ишларимизда намойиш этишдир.

Чуқур иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳозирги кун аждодларимиз тажрибасидан ўрнак олиб, назария ва амалиётни, сўз билан иш бирлигини, илм ва ахлоқий фазилатлар муштараклигини амалда таъминласак маънавият ҳақиқий фаолиятга айланади. Маънавиятли бўлган жамият кучли ва адолатли бўлади. Маданиятли халқ эса буюк давлатни барпо этади. Бу эса халқимизнинг энг улуғ орзуси, биз танлаган тараққиёт йўлининг кафолатидир.

Азамат ҲАЙДАРОВ,
сиёсий фанлар номзоди

БУХОРОДА БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ

Бухоро шаҳрининг Абдулҳолиқ Ғиждувоний шоҳкўчасида қад ростлаган болалар ижодиёти марказининг янги биноси болалар ихтиёрига топширилди. Бу ерда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, бирон касбга йўналтирилган ҳолда ўтказишлари учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

— Шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда қатор ҳомийлар кўмагида замонавий жиҳозланган мазкур масканда мактаб ўқувчилари дарсдан сўнг 20 дан ортиқ тўгаракда миллий кийимлар тикиш, компьютер сабоқлари, тасвирий санъат каби ўнлаб касб сирларини ўрганадилар. Бунинг учун эса уларга ўттизга яқин устоз-мураббий касб-ҳунар ўргатадилар, — дейди марказ директори Мурод Йўлдошев.

Болалар ижодиёти маркази айни кунларда шаҳар мактаблари ва маҳаллалардан келган 930 ёшни ўз бағрига олди. Қизиқарли машғулотлардан ташқари моҳир қўллар ҳосиласи бўлган тайёр маҳсулотларнинг кўргазмаси ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдиряпти.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: янги бино кўриниши; компьютер ва чет тили тўгараги хонаси; миллий кийимлар тикиш-бичиш тўгараги раҳбари Фарангиза Жалилова болалар билан машғулот пайтида.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

● Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Мамлакатимиз енгил атлетикачилари бу йилги халқаро мусобақаларни муваффақиятли бошлашди. Потайи (Таиланд) шаҳрида уюштирилган II қишки Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз битта олтин ва иккита бронза медалига сазовор бўлди.

Қитъамизнинг йигирма беш давлатидан спортчилар қатнашган мазкур мусобақанинг 800 метрга югуриш баҳсларида Замира Амирова маррага биринчи бўлиб етиб келди — 2:07:01. Баландликка сакраш бўйича ўн тўққиз ёшли Светлана Радзивил учинчи натижани кўрсатди — 191 см. Мусобақанинг еттикураш беллашувларида 5421 очко жамғарган Павел Андреев бронза медалини қўлга киритди.

●●●

Францияда ўтказилган гран-при туркумидаги Париж халқаро турнирида муносиб иштирок этган Анастасия Журавлёва шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. У уч ҳатлаб сакраш баҳсларида бош соврин соҳиби бўлди — 14 метр 7 сантиметр.

Клара ШОКИРЖОНОВА

Суратда: II қишки Осиё чемпионати совриндори Светлана Радзивил.

XX ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА

Турин (Италия)да ўтаётган XX қишки Олимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Унда дунёнинг саксон беш мамлакатидан ташриф буюрган икки ярим мингдан зиёд спортчи 82 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб боришяпти. Бугунгача мусобақа дастуридан жой олган фигурали учиш, конькида югуриш, фристайл, биатлон, сноуборд сингари спорт турлари бўйича 27 комплект медаллар ўз эгаларини топди.

Ер куррасининг ушбу нуфузли мусобақасида АҚШ, Россия, Германия, Норвегия давлатлари вакиллари юқори натижаларни қайд этишмоқда. Дастлабки тўрт кун баҳсларидан сўнг, умумжамоа ҳисобида америкаликлар беш олтин, иккита кумуш медаль билан пешқадамлик қилишяпти. Россияликлар ҳисобида эса 4 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медали бор. Германия терма жамоаси эса 7 (4 та олтин, 1 кумуш, 2 бронза) медаль билан учинчи поғонани банд этган.

Қишки олимпиадада вакилларимиздан Марина Аганина, Артём Князев, Анастасия Гимазетдинова (муз устида нафис учиш), Қайрат Ерметов (тоғ чанғиси спорти)лар Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Ҳозиргача спортчиларимиздан Марина Аганина ва Артём Князевлар муз устида нафис учишнинг жуфтлик баҳсларида иштирок этиб, қисқа дастурда ўз маҳоратларини намойиш этди. Якунда ҳамюртларимиз 15-поғонани эгаллади. Фигурали учиш бўйича яккалик мусобақаларида Анастасия Гимазетдинова бугун майдонга чиқади.

Тоғ чанғиси спорти бўйича баҳсларда қатнашаётган Қайрат Ерметов эса 20 февраль куни гигант слалом ва 25 февралда слалом бўйича ўз маҳоратини намойиш этади.

Суратда: фигурали учиш бўйича терма жамоамиз аъзолари Артём Князев ҳамда Марина Аганиналар.

● Қинғир иш — келтирар ташвиш

«НЕКСИЯ» ЮКХОНАСИДА...

Ҳамма замонда ҳам жамият ривожига тахдид солувчи омиллар бўлган. Ана шундай тахдидлардан бири XX аср вабоси деб тан олинган гиёҳвандлик иллатидир. Бу иллатга қарши кескин кураш олиб борилмай озгина эътиборсизлик қилинадиган бўлса, у ўз домига тобора кўпроқ инсонларни тортиши мумкин.

Минг афсуслар бўлсинки, мамлакатимизда ана шу ёвуз гиёҳвандфурушлик қулига айланиб қолаётган кимсалар учраб турибди. Улар орасида ёшларнинг, ҳатто, аёлларнинг борлиги ғоятда ачинарлидир.

Ўтган йилда мамлакатимизда бу иллат билан боғлиқ 1542 та ҳолат юз берган. Биргина ЙҲХХ ходимлари томонидан 156 килодан ортиқ оғу аниқланиб, ушлаб қолинди. Натижада содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинди, дейиш мумкин.

Жорий йилнинг 13 февраль куни Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ ЙПХ ходимлари ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда Деҳқонобод туманидаги «Сергузар» бозори атрофида тадбир ўтказди. Мазкур тадбирда Денов туманидаги Хитоян қишлоғилик, 1970 йилда туғилган Шавкат Акрамов бошқарувидаги давлат рақами 19 I 9792 белгили «Нексия» русумидаги автомобиль тўхтатилади. Машина текширилганда юкхонаси, орқа чап ва ўнг томон қанотлари габарит чироқлари қопламалари тагидан 12 дона целлофан пакетга солинган, миқдори 11 кило 693 грамм «героин» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Агар бу оғу кўзланган манзилга етганда қанча фуқароларнинг ҳаётини заҳарлаб, неча-неча оилаларнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Гиёҳвандликка қарши курашилар экан, энг биринчи навбатда ёшлар ўртасида бу иллатнинг мудҳиш оқибатларини кўпроқ ва кенгроқ тушунтириш керак бўлади. Агар ҳамма ҳамжиҳатлик билан кураш олиб борса, гиёҳвандлик илдизига болта урилишига шубҳа йўқ. Бу билан ҳар биримиз келажак авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишига, юрт фаровонлигини оширишга, энг муҳими, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга улкан ҳисса қўшган бўламиз.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Республика ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник

ШОВОТДА ХУСУСИЙ ШИФОХОНА

Шовотлик тажрибали шифокор Комил Жуманиёзовнинг саъй-ҳаракатлари билан муқаддам ўқувчилар оромгоҳи вазифасини ўтаб келган, сўнг қаровсиз қолган бу маскан эндиликда хусусий шифохонага айлантирилди. Тадбиркор бу ерда катта кўламда таъмирлаш ишлари олиб борди. Барча даволаш хоналарига совутгичлар, телевизор, замонавий мебеллар ўрнатилди. Бу ерда ўз ишига меҳр қўйган ширинсўз шифокорлар беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатишяпти.

Шифохона ҳудудидан инсон соғлиги учун фойдали маъданли сув ҳам топилган бўлиб, ҳозирда қудуқ қазиш ва шифобахш сув билан даволашни йўлга қўйиш тадориги кўрилмоқда.

(Ўз мухбиримиз)

ҲИКМАТЛАР САНДИҒИДАН

- *Сахийлар ер юзининг подшоҳидир.*
- *Сахийнинг ўнг қўли берса, чап қўли билмас.*
- *Кийган тўнинг эскиради, кийдирганинг эскирмайди.*
- *Сахий йўқ бўлса ҳам тўқ.*
- *Яхши одамнинг меҳмони кўп.*
- *Сахийлик кўп эҳсон беришда эмас, балки муҳтожга беришдадир.*
- *Сахий берганини айтмас, эр айтганидан қайтмас.*
- *Эзгулик инсоннинг маънавий оламидаги қуёшдир.*
- *Инсон бахти — саломатлик ва сахийликда, инсон бахтсизлиги — бахиллик ва ёлғончиликда.*
- *Сахий топса бўлиб ер, бахил топса босиб ер.*
- *Сахий хор бўлмас, бахил бойимас.*
- *Бахилнинг ботмонидан, сахийнинг мисқоли яхши.*
- *Савобли иш қилганнинг икки дунёси ободдир.*

Тўпловчи Юнус ЗИЁДОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 450
14289 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — Topshirish vaqti — 1 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda